

**Тошкент давлат стоматология институтини  
2025 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда  
фаолиятини такомиллаштириш бўйича  
МАЪЛУМОТНОМА**

**I. Ўқув жараёнини такомиллаштириш, рақамлаштириш ва таълим сифатини ошириш бўйича устувор вазифалар.**

1. Олий таълим ташкилотида ўқув жараёнини норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида тўғри ташкил этилганлиги ва яратилган шароитлар (1,2- жадваллар).

Тошкент давлат стоматология институтида бакалавриат таълим йўналиши бўйича Стоматология, Даволаш иши, Халқаро таълим, Хорижий талабалар билан ишлаш, фундаментал тиббиёт, халқ табобати ва олий ҳамширалик иши факультетлари ва 5та бакалаврият таълим йўналиши, 3 та магистратура мутахассислиги бўйича тиббиёт соҳасига мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Институтда жами 6335 нафар талабалар бўлиб, шундан 4351 нафари бакалавриат таълим йўналиши, магистратура мутахассислигига 164 нафар, клиник ординатурада 589 нафар, докторантурада 100 нафар, халқаро ва қўшма таълим факультетида 753 нафар талабалар кундузги таълим шаклида таҳсил оладилар.

Стоматология ва ҳамширалик иши соҳалари учун тиббиёт кадрларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича институтда 2 та кафедра Стоматология ва ҳамширалик иши бўйича кадрлар малакасини ошириш қайта тайёрлаш факультети тасарруфида, 36 та кафедра бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари фаолият олиб боради. Институт кафедраларининг 2024-2025 ўқув йили учун 511809 юклама соати, Кафедралардаги профессор-ўқитувчилар учун 531,75 штат бирлиги, Кафедралардаги профессор-ўқитувчилар асосий штатда 415 нафар, ўриндошлик асосида 193 нафар профессор ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Институтнинг илмий салоҳияти 73,98 фойзни ташкил этади.

2024-2025 ўқув йили учун I-курс учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 25 июндаги 218-сон буйруғи асосида тасдиқланган Малака талаблари асосида 1-курс 4 та малака талаби, 1-курс - **4** та, 2-курс - **4** та, 3-курс – **3** та, 4-курс – **3** та, 5-курс – **2** та таълим йўналишлари бўйича тасдиқланган **10** та малака талаблари, **17** та ўқув режалари ва фан дастурлари ўрганиб чиқилди. Фанларнинг модул дастурлари экспертизадан ўтказилиб, 2024/2025 ўқув йили 1-5 курслар учун модул дастурлари институт Институт кенгашининг 2024 йил 04 июлдаги 10-сонли йигилишида тасдиқланди.

Институтда кредит модуль тизими бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланган. Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабалари ўрнатилган тартибда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида тасдиқланган.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқиша иш берувчилар (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Стоматологлар Ассоцияси, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ва х.қ.) билан сўровномалар уларнинг фикр мулоҳазалари инобатга олинган, институт Марказий Услубий Ҳайъати йиғилишларда мухокама қилинган ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган.

ТДСИда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларида кўрсатилган фан дастурлари тасдиқланган малака талаблари асосида тайёрланган. Йўналишларнинг ўқув режа ва фан дастурлари (силлабуслар) мазмун жиҳатдан тегишли йўналишларнинг малака талабларига мос келади. Ўқув режа ва фан дастурлари (силлабуслар)нинг мазмун жиҳатдан малака талаблари асосида тайёрланган, ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, таълим жараёнiga татбиқ этилган.

Барча таълим йўналишлари бўйича фан дастурларига тегишли йўналишларнинг малака тавсифномаси ва малака талаблари асосида талаба эгаллаши лозим бўлган амалий кўникма ва малакалар киритилган. Талabalарни амалий жиҳатдан тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Симуляцион марказда режа асосида ўқитиш ташкил этилган ва талabalар ушбу марказда амалий кўникмаларини автоматизм даражасига етказиш имкониятига эга.

## **II. Ўқув дастурларини ТОП-300 хорижий олий таълим ташкилотлари дастури асосида такомиллаштирилганлиги ҳамда илмий янгиликларнинг киритилганлиги (3-жадвал).**

2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги № ПФ 5847-сонли фармони, 2021 йил Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 21 февралдаги 15-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш ҳамда 2023 йилда Стоматология таълим йўналишида таълим дастурларини такомиллаштириш мақсадида институт педагоглари институт ректори буйруғига асосан институтдан жами 3 нафар раҳбар ходим Факультет рерапевтик стоматология кафедраси мудири Бекжанова О.Е. Ал-Форобий номидаги Қозоғистон миллий университети-163 (QS World University), Болалар юз-жағ касалликлари кафедраси профессорлари Юлдашев А.А. ва Дўстмуҳамедов Д.М. Жанубий Корея Yonsei University-56, Ортопедик

стоматология пропедевтикаси кафедраси ассистенти Абдулахатов Ж.К. Queen Mary University of London- 145, таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи Абдуллаева М.Б. TEMPLE University ва Columbia University (23 - ўринда), Илмий бўлим бошлиғи Нигматова И.М. Universiti Malaya (65 - ўринда), Госпитал терапевтик стоматология кафедраси профессори Мелькумян Т.В. RUDN University (342 - ўринда) хизмат сафарига юборилди ва университетларининг таълим дастурлари ва ўқув режалари таҳлил қилиниб, ўқув дастурлари таркибига киритилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Бундан ташқари Россия Федерациясининг RUDN University, Литва тиббиёт университет таълим дастурлари таҳлил қилинди. Таҳлил асосида ўқув дастурлар такомиллаштирилган.

**60910100-Стоматология, 70910101- Стоматология, 70910102-Юз-жағ хирургияси мутахассисликлари бўйича 3679 нафар талаба (Queen's University Belfast-206, The University of Newcastle Bachelor of Oral Health Therapy-179, Yonsei University-56, Университет Коръё, Рига тиббиёт университети) хорижий олий таълим ташкилотлари дастури асосида таҳсил олмоқда.**

Хусусан, Сеул Корё, Корея Ёнсей университети, Литва тиббиёт университетлари ўқув режалари ва фан дастурлари асосида қилинган. Ўқув режа блоклари (мажбурий фанлар, клиника олди, клиник фанлар, илмий блок) ва фоизлари ушбу университетлар намуналаридан олинган.

Тиббиёт йўналишлари бўйича PhD, DsC, магистрлик диссертация ишлари илмий янгиликлари тегишли маъруза материаларида талabalарга етказилади. 2023-2024 ўқув йили 38 нафар: шулардан стоматология (йўналишлар бўйича) 19 нафар, юз-жағ хирургияси 19 нафар битурувчиларнинг илмий мавзуларидан олинган ҳамда илмий янгиликлар таълим дастурларига киритилди.

### **III. Таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказилганлиги ёки бошланганлиги.**

Тошкент давлат стоматология институти 2020 йил Жаҳон тиббий таълим федерацияси (WFME) томонидан бакалавриат 2 та таълим дастури ва магистратура 2 та муҳтахассисликларни халқаро аккредитациядан ўтказилган. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 18-июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспексияси фаолиятини ташкил етиш тўғрисида”ги 515-сонли ва 2019-йил 7-июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сонли Қарорлари ижросини

таъминлаш мақсадида ТДСИ ректорининг 2024 йил 13 апрел 148/АФ сонли буйруғи “Тошкент давлат стоматология институтини давлат аккредитациясига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш тўғрисида” қабул қилинди ва ишчи гуруҳ шакллантирилиб, кафедралар ва бўлимлар кесимида халқаро аккредитацияга тайёргарлик кўрилмоқда. Жаҳон тиббий таълим федерацияси (WFME) аккредитация ва рейтинг мустақил агентлиги (IAAR) билан даврий мониторинг ўтказиш тўғрисида мунозаралар олиб борилди. Берилган тавсиялар бўйича аккредитациядан ўтишни ташкил этиш чора тадбирлари кўрилди.

#### **IV. Ўқув жараёнида НЕМІС тизимидан фойдаланиш самарадорлиги (маълумотларни тўлиқ киритилганлиги, кредит-модул тизимини талаб даражасида ташкил этилганлиги).**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020-йил 13-октябрдаги “Олий таълим муассасаларида олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 535-сонли буйруғига асосан институтда Олий таълим жараёнларини бошқаришнинг ахборот тизими – НЕМІС платформаси фаолияти йўлга қўйилган.

НЕМІС тизимининг техник таъминоти институтнинг Рақамли таълим технологиялари ва ўқитишининг техник воситалари маркази масъул этиб белгиланган. Тизимга киритиладиган маълумотларни тайёрлаш ва уларга даврий (зарурый) равишда ўзгартиришларни киритиб бориш бўйича ҳар бир тегишли бўлим/бўлинмадан масъул ходим бириктирилган. Ахборотларни умумлаштириш ва тизимга жойлаштириш Регистратор оғиси ходимлари зиммасига юклатилган. 2024/2025 ўқув йили учун ўқув режалардаги фанлардан ўқув услугубий материаллар институт Марказий услугубий Кенгашининг 2024 йил 28 августдаги 1-сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, ўқув жараёнида фойдаланиш учун рухсат берилган ҳамда институт Кенгашининг 2024 йил 04 сентябрдаги 1-сонли йиғилишида тасдиқланган. Институтда 2024/2025 ўқув йили учун фан/модуллар каталоги ишлаб чиқилган бўлиб, фан/модуллар каталогига мос равиша ўқув йилининг биринчи ярми учун ўқув материаллари (электрон ўқув контентлар) ишлаб чиқилиб, НЕМІС электрон платформасига жойлаштирилган. НЕМІС электрон платформасида жами курслар кесимида **5** та таълим йўналишлари, **3** та магистратура мутахассисликлари бўйича 6335 нафар талабаларнинг маълумотлари тўлиқ шакллантирилган. 415 нафар (асосий штатдаги) профессор-ўқитувчиларнинг маълумотлари тўлиқ шакллантирилган. Ўқув йилининг биринчи ярми учун 150 та фанлардан 4585 та электрон контентлар, 150 та силлабуслар жойланган.

Институтда НЕМІС ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритиш ва тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.

I–III-босқичлар кредит-модуль тизимида, V-VI курслар эса рейтинг тизимида таҳсил олади.

## **V. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда шаффоффлик ва холисликни таъминланганлиги бўйича кўрилган чоралар самарадорлиги.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-61-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказиш тўғрисида”ги 967-сон қарори, 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарори асосида институтда 2024-2025 ўкув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари 1-2-3 курс талабларини кредит-модуль тизимида ўқитиш жорий этилган. Институтнинг кредит-модуль тизимида ўқитиш Низоми 2020 йил 6 ноябрдаги Низом асосида баҳоланади.

Талабаларнинг модул/фанлардан олган ўзлаштириш кўрсаткичлари “HEMIS” платформаси ва қайдномаларда ўз аксини топган.

Шунингдек институт Кузатув кенгаши баёни билан “Тошкент давлат стоматология институтида кредит модул тизимида асосланган таълимни ташкил этиш бўйича низом”, “Тошкент давлат стоматология институтида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби”, таълимнинг кредит-модул тизими асосида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби, “Тошкент давлат стоматология институтида кредит модул тизимида модулларни қайта ўзлаштириши ташкил этиш тартиби” 2022-йил 29-августдаги 1-сонли йиғилишида мухокама қилинган ва тасдиқланган. Фанларнинг ўкув дастурлари кредит-модул тизими талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва амалиётга татбиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2024-йил 2-декабрдаги “Олий таълим ташкилотларида талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 452-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2024-2025 ўкув йили ЯН жараёнларини шаффоффлигини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2024 йил 06 декабрдаги 450-сонли буйруғига асосан ишчи гуруҳ ташкил этилган. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда шаффоффлик ва холисликни таъминланганлиги бўйича 1,2,3- курсларда фанлар бўйича қайта топшириш тест марказига ўтказилди. Барча ўкув аудиториялари видео

кузатув ускуналари билан жиҳозланди. Фанлар бўйича имтиҳон натижаларини қуидаги <https://tsdi.uz/sahifalar%5Cimtihon-jarayonlari> ҳавола орқали кўриш мумкин.

#### **VI.Ахборот-ресурс марказининг ҳолати, фанлар бўйича дарсликларнинг мавжудлиги, талабаларга яратилган шароит (4-жадвал).**

Институт Ахборот-ресурс марказининг умумий фондида жами 19 411 номда ва 119 238 нусхада ўқув адабиётлар мавжуд, хозирги кундаги 5577 нафар талабалар контингенти учун етарли ҳисобланади. 2022-2023 ўқув йили учун 24 номдаги 3030 сондаги янги ўқув адабиётлар олинган. ТДСИ профессор-ўқитувчилари томонидан 2022-2023 йилларда 96 та дарслик, 44 та электрон дарслик, 167 та ўқув қўлланмалар тайёрланган ва чоп этилган.

Ўқув адабиётларнинг талабада меҳнат бозори учун зарур замонавий билим ва кўнилмаларни шакллантиришга хизмат қилиши учун укув кулланма, укув услубий кулланмалар тайерланиб, ушбу кулланмаларда амалий амалий кунилмаларни бажарилиши буйича курсатма ва тавсиялар келтирилган

Таълим йўналишлар фан дастурларига қўшилган замонавий адабиётлари қаторида класик, ўз соҳаси бўйича “дастуруламал” ҳисобланувчи ўқув адабиётларининг киритилган. Институт АРМда unilibrary.uz олий таълим муассасаларининг ягона ахборот кутубхона платформаси, Консультант студент-тиббиёт олийгоҳларининг электрон кутубхоналари, tsdi\_library-Ахборот ресурс марказининг телеграм канали орқали талабалар ўзларига тегишли ўқув ва бадиий адабиётларни юклаб олишлари мумкин. Шунингдек, институттинг электрон кутубхонасида ҳам- <http://library.tsdi.uz/> ўқув ва бадиий, илмий адабиётлар жойланган бўлиб ундан профессор-ўқитувчилар, магистрлар, докторантлар ва талабалар фойдаланиб келишмоқда.

unilibrary.uz Минвуз.2 тас-их 1000 Мбайт/сек мир. 300 Мбайт/сек. WI-FI зонаси мавжуд. “Scopus”, “Web of science”, “ЭБССО”, “[library.ru](#)” ва бошқа чет эл маълумотлар базасидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Чет эл маълумотлари базасидан талабалар ва профессор-ўқитувчиларимиз фаол фойдаланиб боришаپти.

Ахборот-ресурс марказида жами 5473 та фойдаланувчи мавжуд, шундан 4601 нафари бакалавриат, 163 нафари магистратура талабалари, 260 нафари клиник ординатор, 220 нафари профессор-ўқитувчилар, 229 нафари ишчиходимларни ташкил қиласди.

Жорий йилда жами профессор-ўқитувчи ва талабалар 96% дарслик ва ўқув қўлланма ва электрон дарсликлардан фойдаланилган.

ТДСИ профессор-ўқитувчилари томонидан 2022-2023 йилларда 96 та дарслик, 44 та электрон дарслик, 167 та ўқув қўлланмалар тайёрланган ва чоп этилган.

## **VII. Профессор-ўқитувчиларни хорижда малака оширганлиги, хорижий профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб этилганлик ҳолати (5-жадвал).**

Хорижда малака оширган профессор-ўқитувчиларни жами 55 нафар, ийллар кесимида 2022 йил-14 та, 2023 йил-18 та, 2024 йилда-23тани ташкил қиласди. Таълим жараёнига жалб этилган хорижий профессор-ўқитувчилар сони жами 115 нафар, шулардан 2022 йилда 31 нафар, 2023 йилда 38 нафар, 2024 йилда 46 нафарни ташкил этади.

Охирги 3 йилда институтнинг 334 нафар шундан 2022 йилда 96 нафар, 2023 йилда 73 нафар, 2024 йилда 165 нафар профессор-ўқитувчилари Туркиянинг Медипол университети ва Эскишахар университети, Россиянинг РУДН университети, Приволжск тадқиқот тиббиёт университети, Биринчи Санкт - Петербург давлат тиббиёт университети ва Волгоград давлат тиббиёт университети, Қозоғистонинг Асфендияров университети, Ясавий университети ва Жанубай Қозоғистон тиббиёт академияси, Малайзиянинг Малая университети, Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети, Ёнсей университети ва Ча университети, Италиянинг Принцесс Максима илмий маркази ва Трентино университети, Финляндиянинг ЙАМК университетига, Венгриянинг Земельвейс университети каби дунёнинг бошқа нуфузли олий таълим муассасалари ва тиббиёт марказларида малака оширганлар.

## **VIII.ТОП-500 хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини жорий этилганлиги (6-жадвал)**

Россия Федерациясининг Приволжск тиббиёт университети (ПИМУ) билан ҳамкорликда “Стоматология”, “Даволаш иши”; Россия Халқлар Дўстлиги университети (РУДН) билан ҳамкорликда “Стоматология”, “Даволаш иши”; Оренбург давлат тиббиёт университети (ОрГМУ) “Клиник психология” қўшма таълим дастури ташкил этилган.

Дастур ўқув режаси тиббиёт олийгоҳлари ректорлари томонидан киритилган ва 2019-йилда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта маҳсус ва Соғлиқни сақлаш вазирлари томонидан тасдиқланган.

Дастур 3+2, 3+3 шаклда амалга оширилиб, ўқиш якуни бўйича талабалар қўшма дипломларга эга бўладилар. Бугунги кунда дастурда 539 нафар талаба таҳсил олмоқда.

## **IX. Корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйилганлиги, талабалар амалиётини самарали ташкил этилганлиги ва яратилган шароитлар (7-жадвал).**

Корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйилганлиги, талабалар амалиётини самарали ташкил этилганлиги ва яратилган шароитлар (7-жадвал).

Тошкент давлат стоматология институтида таҳсил олаётган талабаларнинг малакавий амалиёт ўташлари учун Республика ихтисослаштирилган

марказлар, Тошкент шаҳрида жойлашган клиник шифохоналар, Туғруқ комплекслари, Стоматология поликлиникалари билан шартномалар имзоланган. Шунингдек, кафедралар томонидан ҳам клиник базалар билан шартномалар имзоланган бўлиб, мазкур тиббиёт муассасаларида талабаларнинг малакавий амалиёт ўташлари учун шарт-шароитлар яратиб берилган.

Жорий 2024/2025-ўқув йилида талабалар қуидагича малакавий амалиёт ўташган:

1. ТДСИ ректорининг 2024-йил 5-сентябрдаги 312/АФ-сонли буйруғига биноан қуидагилар малакавий амалиёт ўташган:
  - 2024-йил 9-сентябрдан 19-декабргача 2-курс даволаш иши йўналиши 240 нафар талабалари “Палата ҳамшира ёрдамчиси” амалиёт тури бўйича Шаҳар 2-сон клиник шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳафтада 1 кун, 6 соатдан малакавий амалиёт ўташди;
  - 2024-йил 9-сентябрдан 7-декабргача 3-курс даволаш иши йўналиши 204 нафар талабалари “ҚВП, ҚОП, амбулатор поликник бўғин ҳамшираси ёрдамчиси” амалиёт тури бўйича Шаҳар 7-сон клиник шифохонаси ва Миллий тиббиёт марказида ҳафтада 1 кун, 6 соатдан малакавий амалиёт ўташди;
  - 2024-йил 9-сентябрдан 2-декабргача 2-курс олий ҳамширалик иши йўналиши 41 нафар талабалари “Палата ҳамшира ёрдамчиси” амалиёт тури бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳафтада 1 кун, 6 соатдан малакавий амалиёт ўташди.
2. ТДСИ ректорининг 2024-йил 16-сентябрдаги 326/АФ-сонли буйруғига биноан қуидагилар малакавий амалиёт ўташган:
  - 2024-йил 16-сентябрдан 28-декабргача 1-курс стоматология йўналиши 793 нафар талабалари “Танишув амалиёти” амалиёт тури бўйича ТДСИ Клиникаси ва Кафедранинг клиник базасида ҳафтада 1 кун, 4 соатдан малакавий амалиёт ўташди;
  - 2024-йил 16-сентябрдан 1-курс олий ҳамширалик иши йўналиши 42 нафар талабалари “Танишув амалиёти” амалиёт тури бўйича Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникасида ҳафтада 1 кун, 4 соатдан малакавий амалиёт ўташди.
3. ТДСИ ректорининг 2024-йил 16-ноябрдаги 423/АФ-сонли буйруғига биноан қуидагилар малакавий амалиёт ўташган:
  - 2024-йил 20-ноябрдан 18-декабргача 2-курс ҳалқ табобати йўналиши 24 нафар талабалари “Доривор ўсимликлар йиғиш, гербарий тайёрлаш” амалиёт

тури бўйича Кафедранинг клиник базасида ҳафтада 1 кун, чоршанба куни, 6 соатдан малакавий амалиёт ўташди;

- 2024-йил 21-29-ноябр кунлари 3-курс ҳалқ табобати йўналиши 20 нафар талабалари “Реабилитология бўлимлари шифокори ёрдамчиси” амалиёт тури бўйича ТДСИ Реабилитология бўлимида 7 кун 6 соатдан ва 1 кун 3 соат малакавий амалиёт ўташди.

4. ТДСИ ректорининг 2025-йил 13-январдаги 8/АФ-сонли буйруғига биноан қуидагилар малакавий амалиёт ўташмоқда:

- 2025-йил 13-25-январ кунлари 4-курс ҳалқ табобати йўналиши 23 нафар талабалари “Реабилитология бўлимлари шифокори ёрдамчиси” амалиёт тури бўйича “ЧИНОБОД САНАТОРИЙАСИ” АЖ, “Dr AVIS MEDICAL” МЧЖ ва талабалар томонидан ихтиёрий равишда имзолатиб келинган шартномага асосан хусусий клиникаларда кунлик 6 соатдан малакавий амалиёт ўташмоқда.

5. ТДСИ ректорининг 2025-йил 20-январдаги 22/АФ-сонли буйруғига биноан қуидагилар малакавий амалиёт ўташмоқда:

- 2025-йил 20-январ кунидан 5-курс стоматология йўналиши 795 нафар талабалари “Умумий амалиёт стоматолог шифокор ёрдамчиси” амалиёт тури бўйича ТДСИ Клиникаси, Республика стоматология полклиникаси ва талабалар томонидан ихтиёрий равишда имзолатиб келинган шартномага асосан Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган хусусий клиникаларда кунлик 3 соатдан малакавий амалиёт ўташмоқда.

6. 2025-йил 27-январдан қуидагилар малакавий амалиёт ўташи белгиланган ва бугунги кунда буйруқ имзолатиш ва биректириш ишлари олиб борилмоқда:

- 1-,2-,3-,5-курс даволаш иши йўналиши талабалари;  
- 2-,3-курс стоматология йўналиши талабалар.

#### **Х. Олий таълим ташкилотларида хорижий тил ўқитувчиларининг хорижий тилни билиш сертификатига эгалиги (8-жадвал).**

Тошкент давлат стоматология институти ректорининг 2023 йил 4 августдаги 263-сонли буйруғига асосан “Стоматология”, “Даволаш иши”, “Болалар стоматология” факультетларда таълим йўналишлари бўйича 14 та инглиз тилида гурухлар ташкил этилган. Ушбу гурухларда жами 155 нафар талабаларга мутахассислик фанлари бўйича машғулотлар инглиз тилида олиб борилмоқда. Инглиз гурухларида машғулотлар олиб бориш учун 144 нафар профессор-ўқитувчилар жалб этилган.

24.01.2025 йил ҳолатига кўра Институтнинг 212 нафар профессор-ўқитувчиларида B2 нафар, C1 даражасидаги IELTS, TOEFL хорижий сертификатлари ва уларга tenglashshirilgan миллий сертификатлар мавжуд.

## **II. Илмий-тадқиқотларнинг натижадорлигини ошириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича устувор вазифалар.**

**1. Илмий салоҳиятни ошириш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиш самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар (9-жадвал).**

Тошкент давлат стоматология институтида ҳозирги кунда профессор ўқитувчилар сони 415 та, илмий салоҳият 73.9% тенг. Илмий унвонга эга профессор ўқитувчилар сони 156 та, илмий даражага эга профессор ўқитувчилар сони 307 нафар. Бу кўрсаткичлар йиллар давомида ошиб бормоқда.

Институтда илмий салоҳиятни ошириш ва ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024-йилдаги 16 ва 76 сонли буйруқларига биноан 2024-йил 7 та Халқаро ва 6 та маҳаллий анжуманлар, институт режасига мувофиқ 20 та анжуман ва вебинарлар, 5 та мастер класслар ташкил этилган.

**Илмий-тадқиқотларни бажарииш ва диссертациялар ҳимоя кўрсаткичи.**

Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йилдаги илмий фаолиятида катта муваффақиятларга эришилди. 2024 йилда 52 та химоя қилинди: DSc-9 нафар ва PhD-43 нафарни ташкил этди. Шулардан 16-нафари Докторантлар, 46-нафари мустақил изланувчилар хисобланади. Бу кўрсаткич белгиланган режа – 52 тага нисбатан **120% ижро** этилган.

2024 йил 31 декабрда ўқиши муддати тугатганлар: Киряков Д. – семинар босқичида, Кодирова З. – семинардан утди, Тагаев Ж. – Ягона хулоса олиш босқичида, Зиятова Г. – кафедраларро химоя босқичида.

**Ёшларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиши самарадорлиги.**

Тошкент давлат стоматология институти кафедраларида асосий ходимлардан Рашидов Р.А., Хабилов Б.Н., Тожиев Ф.И. 30 ёшгача докторлик диссертациясини химоя қилиб, вазирлик томонидан рағбатлантирилган ва бу билан институтни профессор ўқитувчилар ёш кўрсатикичини ёшартиришга ўз хиссалигини қўшишиди.

Институтда амалга оширилган илмий лойиҳаларда жамоатчилик асосида магистр талабалар ва таянч докторантлар жалб этилган.

Магистратура талабалари ва клиник ординаторлар кесимида таянч докторантурага ҳужжат топшириш ва ўқишига қабул қилиниши учун тарғибот ишлари мунтазам олиб борилади. Қабул жараёни давомида ажратилган квота ўринлари бўш қолиш ҳолати кузатилмайди.

**Илм-фан ва инновация соҳасида хорижий ҳамкорлик.**

1. Финляндиянинг ЙАМК Университети билан ҳамкорликда “Journal of Medicine and Innovations” журнали чиқарилмоқда.

2. АҚШнинг “SmileTrain International children's charity” компанияси билан ҳалқаро грант.

3. Россия Федерацияси нинг ООО «СПЛАТ ГЛОБАЛ» компанияси билан ҳалқаро грант.

4. Германиянинг Megadenta компанияси билан Ёш олимлар, талабалар куни ва маъruzalар олиб борилмоқда.

5. 1) “Интегратив стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги” илмий – амалий журналига таҳририят аъзоси сифатида 2024 йилдан бошлаб қуидагилар жалб этилган: Дурново Евгения Александровна – ПИМУ «Жарроҳлик стоматологияси ва юз-жағ жарроҳлиги» кафедраси мудири, профессор.

Кочубейник Алена Валерьевна – ПИМУ «Пропедевтик стоматология» кафедраси мудири, профессор.

2) “Тиббиёт ва инновациялар” илмий-амалий журналига:

Бугрова Марина Леонидовна – ПИМУ "Гистология, цитология ва эмбриология"" кафедраси мудири, профессор.

Ловсова Любов Валерьевна – ПИМУ “Умумий ва клиник фармакология” кафедраси мудири, профессор.

Халқаро қўшма анжуманлар (РУДН, Малая Университети, Кубань давлат тиббиёт университети) онлайн ва оффлайн тарзда ташкил этилиб, ёш олимлар ўз маъruzalари билан иширок этишади ва билим алмашинувига ва илмий самарадорликни ошишига эришилади.

ТДСИда магистратура талабаларига илмий маслаҳатчи сифатида дунёнинг халқаро рейтингининг ТОП-1000-лигига кирувчи ОТМлар профессор-ўқитувчилар таркибидан илмий ишига мос равища биректирилади.

## **2. Тадқиқот натижаларини нашр этиш, илмий таъсирини ошириш бўйича ташкил этилган ишлар ҳолати.**

*Маҳаллий ва халқаро (Web of Science, Scopus) журналларда илмий мақолалар сони.*

*Хири индекси (h-индекси) ≥3 бўлган профессор-ўқитувчилар сони:*

Scopus 15 нафар профессор-ўқитувчида (Полатова Ж.Ш., Акбаров А.Н., Туйчибаева Д.М., Зиядуллаева Н.С., Хайдаров Н.К., Баймаков С.Р., Шомуродов Қ.Э., Каххаров А.Ж., Юнусова Л.Р., Рустамова Н.Р., Мелькумян Т.В., Даминова Л.Т., Ходжибекова Ю.М., Акрамова Л.Ю., Дадамова А.Д.)

Web of Science 12 нафар профессор-ўқитувчида (Полатова Ж.Ш., Акбаров А.Н., Туйчибаева Д.М., Зиядуллаева Н.С., Хайдаров Н.К., Баймаков С.Р., Шомуродов Қ.Э., Каххаров А.Ж., Юнусова Л.Р., Мелькумян Т.В., Даминова Л.Т., Дадамова А.Д.)

Google Academy базасида 195 нафар профессор-ўқитувчида

*Хири индекси (h-индекси) ≥5 бўлган профессор-ўқитувчилар сони:*

Scopus 10 нафар профессор-ўқитувчида (Полатова Ж.Ш., Акбаров А.Н., Туйчибаева Д.М., Зиядуллаева Н.С., Хайдаров Н.К., Баймаков С.Р., Шомуродов Қ.Э., Рустамова Н.Р., Мелькумян Т.В., Даминова Л.Т.)

Web of Science 6 нафар профессор-ўқитувчида (Полатова Ж.Ш., Акбаров А.Н., Туйчибаева Д.М., Зиядуллаева Н.С., Мелькумян Т.В., Даминова Л.Т.)

Google Academy базасида 130 нафар профессор-ўқитувчида

◦ Жами мақолалар сони- 774 та жумладан:

◦ 1. Web of Science журналларида: 40 та мақола

◦ 2. Scopus журналларида: 40 та мақола

◦ 3. Маҳаллий мақолалар: 462 та мақола

◦ 4. Хорижий мақолалар (импакт факторлик)-312 та мақола

**Хирш индекси (h-индекси) ≥3 бўлган профессор-ўқитувчилар сони:**

◦ Жами: 195 нафар профессор - ўқитувчилар.

**Патент, муаллифлик гувоҳномалари сони.**

◦ Жами патентлар: 7 та (жумладан IAP-2 та, FAP-5 та)

◦ Дастурӣ маҳсулотлар учун гувоҳномалар: 42 та

**Монографиялар сони:**

◦ 73 та монография чоп этилди

**Докторантурара фаолияти самарадорлиги.**

**Докторантларга яратилган шароитлар ва самарадорлик.**

Тошкент давлат стоматология институтида бугунги кунда жами 258 та диссертация ишлари олиб борилмоқда, шулардан, Стажёр тадқиқотчи 2 та, PhD таянч докторантурада 83 та, DSc докторантурада 15 та, DSc мустақил изланувчи 32 та, PhD мустақил изланувчи 127 та. Тошкент давлат стоматология институти олий таълимдан кейинги таълим йўналишида жами 21 та ихтисослик йўналишлари мавжуд.

Жорий йилда **1-босқичда 7 та Докторантурага, 35 та таянч докторантурага, 2 та стажер тадқиқотчи таҳсил олмоқда.**

**2-босқич таянч докторантурада 5 нафар** докторант (DSc) ва **14 нафар PhD** таянч докторантнинг якка тартибдаги режаси ва ихтисослик бўйича назарий-методологик дастурлари ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда Тошкент давлат стоматология институтининг Илмий кенгашида тасдиқланган.

**3-босқич таянч докторантурада 3 нафар** докторант (DSc) ва **33 нафар** таянч докторантлар мавжуд. Барча докторантлар якка тартибдаги режасини ўз вақтида бажармоқда.

**1-босқичда мустақил изланувчи 10 нафар DSc** ва **43 нафар PhD** мустақил изланувчи таҳсил олмоқда.

Тошкент давлат стоматология институтида **2-босқичда 16 нафар DSc** ва **44 нафар PhD** мустақил изланувчи таҳсил олмоқда.

**3-босқичда 6 нафар** фан доктори (DSc) ва **38 нафар** фалсафа доктори (PhD) мустақил изланувчилар таҳсил олишмоқда.

Шу билан бирга, 2024-йилдаги химоя кўрсаткичи режага нисбатан ижроси 120 % ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорининг З-иловага мувофиқ докторантларга фан номзоди ёки фалсафа доктори PhD илмий даражасига эга бўлган Етакчи илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади. Таънч докторантларга Кичик илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 2 2-майдаги 304-сонли қарорининг З-боби 35-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 24-декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 61-сон қарорининг З-банди бўйича қўйидаги илмий раҳбар ва консультантларга бир йилда 100 соат миқдорида ҳақ тўланади.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 22-майдаги 304-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2019-йил 26-июндаги 572-сонли бўйруғи билан тасдиқланган “Талабгорларнинг якка тартибдаги режаси бажарилишини ҳар чорақда мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан ҳар йили Тошкент давлат стоматология институти ректорининг бўйруги асосида мониторинг 4 маротаба ўтказилади.

Илмий тадқиқот ишларини ўз вақтида сифатли бажарилиши учун институтда EBSCO, Springer Nature платформалар билан шартномалар тузилган ва фойдаланилмоқда.

Институтда илмий амалий марказ мавжуд бўлиб, экспериментал илмий тадқиқотларни олиб боришга ва тахлил этишга имкониятлар яратилган.

Тошкент давлат стоматология институтда қўйидаги шифр ихтисосликлар бўйича докторантлар қабул қилинади: 14.00.21.-Стоматология, 14.00.14.-Онкология, 14.00.11-Дерматовенерология, 14.00.08.-Офтальмология, 03.00.04.-Микробиология, 14.00.19.-Клиник радиология, 14.00.27.-Хирургия, 14.00.13.-Неврология, 14.00.04.-Оториноларингология, 14.00.01-Акушерлик гинекология.

Бугунги кунда институтимизда илмий иш қилишга талаб катталиги ва институт салоҳиятини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига 14.00.06 - Кардиология шифрини очиш учун мурожаат этилган. (*Илова тақдим этилади*).

**Халқаро нуфузли олийгоҳларда докторантурада ўқииш, химоя кўрсаткичи.**

Тошкент давлат стоматология институтининг асосий ходими Жанубий Кореяning Ёнсей университетида Рашидов Р. PhD химоя қилган ва

университет ОТМ лааро халкаро дунё рейтингида 79 – ўринда тургани учун DSc химоя даражасига тенглаштирилган.

Каримова Малика Камилжановна Буюк Британиянинг Kings College London QS 37 уринда турувчи университетда PhD химоя қилган.

Патхитдинов Жалолиддин Малайзия Республикасининг дунё халкаро рейтингида 54 ўринда турувчи Malaya University да докторантурада тахсил олмоқда.

**3. Тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, саноатга татбиқ этиш, ишлаб чиқариш билан ҳамкорлик ҳолати.**

***Хўжалик шартномалари самарадорлиги.***

ТДСИ да бта хўжалик шартномалар мавжуд: "Doktor Shahnoza", "Bio-Ritm Medical Service", "Jasur-Medikals", "Horev Medical Center", "Medilux Medical", Ooo "Nigora-Shifo". Ушбу шартномалар иммунология ва вирусология лабораторияси билан тузилган бўлиб, 2024 йилда 124 281 105 млн сўм хўжалик ҳисобидан тушум қилинган.

***Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириши ҳолати.***

1. Лойиха ҳақида маълумот: 3D технологияларидан фойдаланиб юз-жағ патологияли чақалоқларнинг миллий маълумотлар базасини яратиш. Лойиха шифри: AL-422105549. Лойиха учун битта патент мавжуд № FAP 02219. Тижоратлаштиришдан тушган маблағ: 15 млн сўм.

2. Лойиха ҳақида маълумот: Жағлар синишида стандарт транспорт ва даволовчи боғлам. Лойиха шифри: 206/14. Лойиха учун битта патент мавжуд DGU 26547. Тижоратлаштиришдан тушган маблағ: 10 млн сўм.

***Тармоқ корхоналари билан амалга оширилаётган қўшима лойиҳалар.***  
Мавжуд эмас.

***Спин-офф корхоналари, Технопарк ва марказлар фаолияти самарадорлиги.***

Спин-офф корхоналари, технопарк мавжуд эмас.

Тошкент давлат стоматология институти (ТДСИ) қошида Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази (Марказ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида" 2014 йил 22 июлдаги ПҚ-2215-сон қарори билан шакллантирилган.

Марказнинг асосий вазифалари:

- тиш ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволашнинг самарали усусларини ишлаб чиқиш, илгор стоматология технологияларини, шу жумладан юз-жағ соҳасидаги тўқималар ва органларни тиклаш чоғида остеопластика, биологик ва сунъий материалларни қўллаш юзасидан чукур илмий изланишларни олиб бориш;

- халқаро стандартларга мувофиқ стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илмий-методологик

базасини такомиллаштириш, стоматология соҳасида давлат таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларини, дарслклар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиши;

#### **4. Илмий ва илмий-техник тадбирлар натижаларининг амалиётга татбиқи.**

2024 йил 27 ноябрда ТДСИ томонидан ўтказилган халқаро конгрессда профессор М.И.Азимовнинг “Одонтоген яллигланиш касаликларининг ривожланиш динамикаси ва уларнинг таснифи” мавзуси да М.И.Азимов ўз маъruzасида сўнгти ўн йилда ўткир одонтоген яллигланиш касалликлар билан касалхонага ётқизилган беморлар сони 7 баробарда н зиёд кўпайганини маълум қилди. Амалиётда қўплаб таснифлар мавжуд, амалий терапевтлар ўзларини таснифларини ва жаррор стоматологлар бошқасини и таклиф қилишади. Ўткир одонтоген касалликларнинг ўсишига ёрдам бера диган қўплаб сабаблар орасида М.И. Азимов клиник ва морфологик тамойилга асосланган таснифларнинг мавжуд номукаммаллигини таъкидлади. Ўтказилган конгрессда олинган илмий натижаларни амалиётга татбиқи халқаро миқёсда тахлил этилди.

#### **5. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик фаолиятини рағбатлантириш ҳолати.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сонли “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 август 545-сонли “Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорининг 40-бандига мувофик), 2023 йил 3 июнданги 228-сонли “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида низомга илмий даражага эга ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори асосида 2024 йилдаги илмий-педагогик фаолияти мониторинги натижалари асосида 184 нафар (жумладан, DSc 65 нафар, PhD 119 нафар) профессор-ўқитувчига лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгиланди (ТДСИ 2024 й 6 декабрдаги 452/АФ сонли буйругига баённома нусхаси илова қилинмоқда).

#### **6. Илмий лойиҳалар, халқаро грант ва инвестиция лойиҳалари ҳолати.**

##### **Илмий лойиҳалар:**

- Амалий илмий лойиҳа - №AL-421105549 "3D технологияларидан фойдаланиб юз-жағ патологияли чақалоқларнинг миллий маълумотлар базасини яратиш" лойиҳа раҳбари Пулатова Б.Ж. – апрель ойида якунланди.

- Амалий илмий лойиха - №PZ-462104532 "Тишларни тиклаш пайтида композицион материални иситиш учун янги стоматологик қурилма яратиш" лойиха раҳбари Мелькумян Т.В. – апрель ойида якунланди.

- Амалий илмий лойиха - №FZ-2020073031 "Республикамизда стоматологик касалликлар тарқалишининг географик картасини яратиш" лойиха раҳбари Даминова Ш.Б. – май ойида якунланди.

**Ҳалқаро грантлар:**

- АҚШning "SmileTrain International children's charity". Лойиха куввати 120 000 aqsh dolları. Лойиха раҳбари Амануллаев Р.А. Давомийлиги: доимий

- Россия Федерацияси ООО «СПЛАТ ГЛОБАЛ». Лойиха куввати 12 000 АҚШ dolları. Лойиха раҳбари Шукрова У.А. Давомийлиги: 2028 йилгача.

## ***7. Илмий-тадқиқот лабораториялари ҳолати, улардан фойдаланиши самарадорлиги.***

- Иммунология ва вирусология лабораторияси. 124 281 105 млн сўм хўжалик ҳисобидан тушум қилинган. 2024 йил давомида 8 та мақола ва илмий ишлар чоп этилган.

- Функционал ташхислаш ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва пародонт тўқимаси экспериментал текшириш лабораторияси. Махаллий нашрларда чоп этилган илмий мақолалар 22 та; хорижий давлатларда чоп этилган илмий ишлар 15 та; scopus мақолалар 3 та. Чоп этилган монография- 3 , Ўқув кўлланма ва методик қўлланмалар – 5;

- Ортопедик материаллар ва тузилмаларни ривожлантириш лабораторияси. махаллий нашрларда чоп этилган илмий мақола ва тезислар 198 та; хорижий давлатларда чоп этилган илмий ишлар 65 та; Scopus платформасида 2 та;

Монографиялар 2та; Интелектуал мулк агентлигидан олинган 10 та патент мавжуд.

- Тиш жағ аномалияларини олдини олувчи ва прогнозловчи ташхислаш илмий лабораторияси. махаллий нашрларда чоп этилган илмий мақола ва тезислар 118 та; хорижий давлатларда чоп этилган илмий ишлар 12 та; “Ёш олимлар қунлари” анжуманида иштирок этган иқтидорли талабалар, клиник ординатор ва магистрлар бта; Чоп этилган монография – 4; Ўқув кўлланма ва методик қўлланмалар – 4; Интелектуал мулк агентлигидан олинган 3 та патент ва монографиялар бта.

- Нурли индукцион ҳисоблаш флюорестенция лабораторияси. Лаборатория ходимлари 22 та мақола чиқаришди.

**III. Ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, талаба ёшларда тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича устувор вазифалар.**

**1.** Олий таълим ташкилотида маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректорнинг **2024-2025** ўқув йили учун тасдиқланган иш режаси ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2024-йил 17-апрелдаги 122-сонли буйруғи асосида Тошкент давлат стоматология институти Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорининг 2024/2025 ўқув йили учун 501 та банддан иборат иш режаси ишлаб чиқилган ҳамда институт ректорининг 2024 йил 19 апрелдаги 153/АФ-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Иш режада белгиланган вазифалар ўз вақтида амалга оширилган. Ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги баённомалар расмийлаштирилиб, маълумот кўринишида веб [www.tsdi.uz](http://www.tsdi.uz) сайтга жойлаштириб борилган.

**2.** Олий таълим ташкилотида талаба ва профессор-ўқитувчиларининг ахлоқий меъёрлар ҳамда ички тартиб-интизом қоидаларига риоя этиши ва муносабати.

Институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари томонидан институт ички Одоб-ахлоқ ва ички тартиб-қоидаларга амал қилинишини таъминлаш мақсадида, институт ректорининг 23.08.2022 йилдаги 339А/Ф-сонли буйруғи билан “Талабаларнинг ТТЖда яшаш тартиблари”, 17.05.2023 йилдаги 180/АФ-сонли буйруғи билан “Институт ходимлари ва талабаларининг Ички-тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидалари” ҳамда 12.08.2023 йилдаги 271/АФ-сонли буйруғи билан Тошкент давлат стоматология институтининг касаба уюшмаси раиси А.А.Хасанов томонидан намунавий Одоб-ахлоқ кодекси тасдиқланган ҳамда ходимлар ва талабалар ушбу тартиб-қоидалар билан таништирилган. (*Буйруқ илова қилинади*).

**3. “Маърифат дарси”нинг ташкил этилиши ҳолати (фойдаланилаётган материаллар, маърузачилар сифат таркиби).**

“Маърифат дарси” (Ахборот ва тьюторлик соати)ни институтда ташкил этиш институтнинг 2024-2025 ўқув йили дарс жадвалларига киритилган ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазири томонидан 2024-йил 27-август куни тасдиқланган 75-сонли баённинг 4-банди ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш марказининг ҳар ҳафталик кўрсатма хатлари билан тавсия этилган тарқатма материаллар асосида **21 нафар** факультет тьюторлари томонидан режа асосида “Маънавият соатлари” дарслари доирасида “Ахборот ва тьюторлик соати” машғулотлари ўтказиб келинмоқда. (*Ўтказилган “Маърифат дарси” (Ахборот ва тьюторлик соати) машғулотлари*

**баёнларидан нусхалар ҳамда 21 нафар тьюторлар маълумотномалари илова қилинади).**

**4.** Олий таълим ташкилотида **ташқи тарғибот воситаларнинг ҳолати, мазмунни, шунингдек давлат тили меъёрларига риоя этилиши. Рақамли тарғибот ва медиа соҳасидаги фаолияти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ҳолати (тарғибот материалларнинг мазмуни, сифати, таъсирчанлиги ҳамда долзарбилиги).**

Тошкент давлат стоматология институтида ҳозирги кунда институтнинг битта расмий сайти [www.tsdi.uz](http://www.tsdi.uz) доимий фаолият юритмоқда. Бундан ташқари ижтимоий тармоқларда (Telegram: [https://t.me/tsdi\\_official](https://t.me/tsdi_official) [@TDSI TYUTORLARI](https://t.me/tysi_uz_2019) Feysbok: Tashkent State Dental Institute) саҳифалари мавжуд. Ташқи тарғибот материаллари ҳолати талаб даражасида ва давлат тили меъёрларига риоя этилган ҳолда тайёрланган.

Шунингдек, тарғибот материалларнинг мазмуни, сифати талабга жавоб беради.

**5.** 2023-2024 ўқув йили ва 2024-2025 ўқув йилида таълим муассасасида талабаларни **ватанпарварлик тарбияси ва китобхонликка жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати (Ахборот ресурс маркази ҳамда кутубхона фаолияти).**

Институтнинг Ахборот-ресурс маркази (АРМ) 2014 йил 2 октябрдан ўз иш фаолиятини олиб боради.

Ҳозирги кунда Ахборот-ресурс марказида **5 та бўлим** мавжуд, ушбу бўлимларда жами **13 та ходим** фаолият кўрсатмоқда. Барча ходимларнинг фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

**Бугунги кунда АРМдаги адабиётларнинг умумий фонди:** 9097-номда, 116842-нусхада ташкил этади.

**Шу жумладан:**

**Босма нашр:** 116842 нусха

**Электрон адабиётлар:** 5189нусха

Ахборот ресурс марказида ИРБИС 64+ дастури сервери ўрнатилган ва ходимларни шу дастурда ишлаш бўйича малака ошириш режалаштирилган. ИРБИС 64+ (Интегрированная расширяемая библиотечно-информационная система) ахборот-ресурс марказининг электрон каталоги ҳамда автоматлаштирилган тизими ҳисобланиб, кутубхона фаолиятининг барча бўғинларини қамраб олади.

Ахборот-ресурс марказини автоматлаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш учун RFID технологияси асосида ишловчи қурилма ва ускуналардан фойдаланиш, RFID технология асосида фаолият юритувчи

“UniBook Shielded HF”, “UniBook MINI”, “UniBook SMART Box” (китоб олиш, қайтариш) қурилмалари, “Unibook Cinema” (ўғирликка қарши дарвозалар” (Противокражная варота) ягона китобхонлик гувоҳномаси (ID карта) билан таъминланган.

Барча фойдаланувчилар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун компьютерлар интернет TAS-X 600 м/б тезлиги ва WI-FI тизими 50 Мб тезлиқда “Интернет” тармоғига уланган.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг “Ягона “Электрон қутубхона” платформаси (Unilibrary.uz) га ТДСИ АРМ фондида мавжуд адабиётлар босқичма босқич жойлаштириб борилган.

Ахборот ресурс маркази шинам, ёруғ, керакли замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Фойдаланувчилар учун 100 ўринга мўлжалланган ўқув заллари, очиқ фонд ва ёпиқ фонд ташкил этилган.

Ахборот-ресурс марказида жами 6327 та фойдаланувчи мавжуд, шундан 5490 нафари бакалавриат, 164-нафари магистратура талабалари, 589-нафари клиник ординатор, 405- нафари профессор-ўқитувчилар, 20-нафари ишчиходимларни ташкил қиласди.

Институт АРМда SCOPUS, Sciencedirect, Springer, Ebsco халқаро илмий маълумотлар базаларига барча мавжуд компьютерлар уланган. Барча кафедра профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, магистрлар, клиник ординаторлар маълумотлар баъзалиридан регистрациядан ўтиб, керакли бўлган мақолаларни юклаб олмоқдалар. 36 та кафедра ходимлари халқаро илмий маълумотлар базаларига жамоавий обуна бўлишган. Хар бир кафедра томонидан маъсуллар тайёрланди. Хар ойда маъсуллар кафедра ходимлари фойдаланиш даражаси мониторингини олиб борилган.

Институтнинг веб сайти [tdsi.uz](https://tdsi.uz) “ELEKTRON KUTUB XONA” <https://t.me/tsdi2112> бўлимига 2000 номдан (2 тб) ортиқ адабиётларнинг электрон шакллари ва библиографик ёзувлари киритилган. Институтнинг веб сайти [tdsi.uz](https://library.tdsi.uz/) “ELEKTRON KUTUBXONA” <https://library.tdsi.uz/> бўлимига [https://t.me/ https://t.me/tsdi2112](https://t.me/https://t.me/tsdi2112) канали хам уланган.

Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказига 2020-2024 ўқув йилларида 8882 адабиёт харид қилинган. Шундан Россиянинг “ГЕОТАР-МЕДИА” нашриётидан 44 номда 1213 нусхадаги адабиётлар ташкил этади. Шундан 30 номдаги адабиётларни электрон нусхаси шакллантирилган.

Ахборот-ресурс маркази замон талабларига жавоб берадиган техник воситалар билан жиҳозланган бўлиб, умумий сонда 29 та компьютер, (шундан

19 таси моноблок) 3 та нусха кўчирувчи аппарат (Canon i-sensys MF3010) мавжуд. Барчasi яроқли ҳолатда ишлайди.

Ахборот-ресурс маркази Тошкент давлат стоматология институти ўқув биносининг биринчи қаватида жойлашган. Китоб билан таъминлаш бўйича 5 та шахобча: Талабалар бўлими, талабаларга ўқув зали, илмий-тиббий бўлим, илмий ўқув зали ҳамда бадиий ва хорижий адабиётлар бўлимлари мавжуд. Китобларни саклаш учун алоҳида хоналар ажратилган. Талабалар фойдаланишлари учун 2 та ўқув зали ҳамда 1 дона виртуал кутубхона мавжуд бўлиб, 100 ўринни ташкил этади. Ўқув залларида Hanson ORION HS 75 (1)-12 интерактив сенсор панельлари, соҳаларга оид ўқув адабиётлар, илмий адабиётлар, газета ва журналлар бўлиб барча фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Факультет бинолари ва талабалар тураг жойларида, талабалар гавжум бўладиган жойларда электрон (QR – kod) доскалари ташкил этилган.

АРМ ўз иш режасига асосан институтнинг алоқадор бўлимлари билан ҳамкорликда талабалар иштирокида мунтазам равишда китобхонлик тадбирлари ва китоб ярмаркалари каби тадбирлар ташкил этилиб, баённомалар расмийлаштирилиб, маълумот шаклида институт ижтимоий тармоқларида ёритиб борилган.

**6. Олий таълим ташкилотида Маънавият ва маърифат хонасининг ташкил этилганлиги (вазирликнинг 2023 йил 23 июнда имзолаган 01/15-1239-сонли қўшма қарор билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ ташкил этилганлиги).**

Институт маънавият ва маърифат хонаси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 23 июнда имзолаган 01/15-1239-сонли қўшма қарор билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ ташкил этилган ҳамда ушбу хоналарда «матбуот бурчаги» ташкил этилган бўлиб, «матбуот бурчаги» зарур газета ва журналлар билан таъминланган.

**7. Олий таълим ташкилотида “Маърифат улашиб” ҳамда “Адабий-маърифий ҳафталиклар”, “Талабалар лигаси”, “Беш ташаббус олимпиадаси” каби лойиҳаларни ташкил этиш ҳолати.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2024 йил 13 апрелдаги 03-РА 1-5357-сонли топшириғи ва шу хусусда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг “Олий таълим муассасаларида “Маърифат улашиб” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 17 апрелдаги 122-сонли ва 2024 йил 1 августдаги 275-сонли буйруқлари асосида ёшларни китоб мутолаасига жалб этиш, бадиий саводхонлик даражасини ошириш орқали уларни ватанпарварлик ва юртимиз келажагига

дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида Тошкент давлат стоматология институтига Тошкент шаҳри Яшнобод туманидан 5 та: 23-155-156-170-216-мактаблар, 6 та маҳалла; Қашқадарё вилоятидан Ғузор тумани 38 та мактаб, 38 та маҳалла; Сирдарё вилояти Оқолтин туманидан 17 та мактаб, 13 та маҳаллалар бириктирилган.

Шу асосда институт ректорининг 2024 йил 19 апрелдаги 153/АФ-сонли ва 2024 йил 9 августдаги 279/АФ-сонли буйруқлари тасдиқланиб, мазкур буйруқлари тасдиқланиб, “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида институт ҳудуди ҳамда институтга бириктирилган мактаблар ва маҳаллаларда адиблар иштирокида **47 маротаба** талабалар, мактаб ўқувчилари ва маҳалла ёшлари билан адиблар ҳаёти ва ижодига бағишиланган адабий учрашувлар, **13 маротаба** адибларнинг сара китоблари тақдимотлари, **7 маротаба** “Заковат” интеллектуал ўйинлари, **15 маротаба** шеърхонлик тадбирлари, **4 марта** “Яшил макон” лойиҳаси доирасида қўчат экиш тадбирлари ҳамда талабалар тураг жойларида **2 маротаба** талабалар билан гулхан атрофида суҳбатлар ўtkазилган (Ўтказилган тадбирлар бўйича фотохисобот илова қилинади)

Шунингдек, институт иш режаси асосида шоир, ёзувчилар, адабиёт намоёндалари ҳамда спорт йўналишларида йўқори натижа кўрсатган мураббийлар иштирокида институт ҳудуди ва Адиблар хиёбонида мунтазам равишда Адабий-маърифий ҳафталиклар ўтказиб борилган.

Шу билан бирга, Бугунги кунда институтда ҳозирда “Медик” спорт мажмуаси (ёпик) ва 2 та очиқ майдонча мавжуд.

Медик спорт мажмуасида 1 та катта зал, мини-футбол, баскетбол, волейбол, гандбол ва стол тенниси учун мўлжалланган ва 2 та кичик заллар оғир атлетика ва шейпинг учун мўлжалланган. Очиқ майдончалар мини-футбол ва Воркаут учун мўлжалланган. Тайёрлик холати яхши. Косметик таъмирлаш ишлари амалга оширилган (пол лакланган, белгилар янгиланган, деворлар оқланган).

Институт спорт мажмуалари зарур бўлган спорт жиҳозлар (футбол, баскетбол, волейбол, гандбол тўплари, стол теннис ракетлари, дарвоза торлари, секундомер) билан таъмиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ-115-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида” 2023-йил 2 майдаги 120-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2023 йил 5 майдаги 157/АФ-сонли буйруғи тасдиқланиб, мазкур буйруқ билан 2023-2024-ўқув йилидан институтда доимий фаолият юритувчи 2 та футбол, 1 та волейбол, 2 та стол тенниси секциялари фаолияти йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни ижросини таъминлаш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилган.

**Биринчи ташаббус.** Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлиарини ошириш, истеъодини юзага чиқариш мақсадида институт 321-хона ва Талабалар турар жойида мусиқа, рассомлик ва санъатнинг бошқа турлари бўйича тўгараклар ташкил этилган. Шунингдек, институтда “Шифо” талабалар театр студияси, “Қувноқлар ва зукколар”, Караоке, Ашула ва рақс ансамбли, Овоз ёзиш студияси ташкил этилган ва бугунги кунда тўлиқ фаолият олиб бормоқда.

**Иккинчи ташаббус.** Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар **мақсадида институт Медик-спорт** мажмуасида **6 та ва Талабалар турар жойида** спорт йўналишларидаги тўгараклар фаолият олиб бормоқда.

**Учинчи ташаббус.** Талабалар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида институт **Семуляцион марказининг** 3-хонасида тўгарак ташкил этилган ҳамда фаолият юритмоқда.

**Тўртинчи ташаббус.** Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича институт **Семуляцион марказида жойлашган кутубхонада 4-хона ва Талабалар турар жойида** тўгарак хонаси ташкил этилган. Шунингдек, институтнинг талабалари Алишер навоий номидаги Миллий кутубхонасига аъзо бўлганлар.

Шунингдек, ўкув йили давомида талабалар иштирокида китобхонлик тадбирлари ва китоб ярмаркалари ташкил этиб борилган.

**Бешинчи ташаббус** хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича, **Институт Семуляцион маркази 4-хонасида “Фурнитурадан кандек ясаш, миллий тақинчоқлар”** тўгараги фаолият йўлга қўйилган.

Шунингдек, талабаларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятиларини ривожлантириш, дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида факультетлар деканатлари, институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти, “Medik” спорт мажмуаси, АРМ ва бошқа алоқадор бўлимлар томонидан **9 маротаба** спорт мусобақалари, **13 маротаба** китобхонлик кечалари, талаба қизларни касб-хунарга ўргатиш бўйича тўгараклар ташкил этилган, шунингдек, институтда ташкил этилган **“Шифо” талабалар театр студияси** томонидан **6 маротаба** театр томошалари, **4 маротаба “Қувноқлар ва зукколар”, “Заковат”** мусобақалари ҳамда **3маротаба Караоке кечалари** ташкил этилган.

Шу билан бирга, институт иш режасига асосан 2023 йилнинг ўтган даври давомида институт психологи, институт хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар идоралари ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, ўз жонига қасд, гиёҳвандлик, ОИТС, диний экстремизм

ва терроризмга қарши кураш, маданий-маърифий, хуқуқий-тарғибот, спорт йўналишларида **56 маротабадан** ортиқ тадбирлар, семинарлар, очик мулоқот ва давра сухбатлари ташкил этилган. Ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги баённомалар расмийлаштирилиб, маълумот кўринишида веб сайтга жойлаштириб борилган.

Бундан ташқари, маданият муассасалари билан шартномалар тузилиб, институт маблағлари ҳисобидан чипталар харид қилиш орқали, талабаларнинг, истироҳат боғлари, театр томошалари, кинонамойишлар, концерт томошалари ҳамда тарихий ва зиёрат масканларига саёҳат ташрифлари уюштирилган.

**8. Олий таълим ташкилотида маънавий-маърифий ишларга масъуллар** (*Маънавият-маърифат бўлими масъуллари, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосарлари, тьюторлар*)нинг соҳага оид билим, тажриба ва малака даражаси.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Олий та’лим муассасаларида ма’навий-ма’рифий, тарбиявий ва спорт соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2023 йил 23 июндаги 23-қ/қ-сонли қўшма қарори асосида ТДСИ ректорининг 2023 йил 12 августдаги 271/АФ-сонли буйруғи билан Тошкент давлат стоматология институтининг намунавий Одоб-ахлоқ кодекси ва 17 нафар аъзодан иборат Одоб-ахлоқ комиссияси ўз фаолиятини олиб бормоқда. Одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларида ходимлар ва талабаларнинг институт ички-тартиб қоидаларига амал қилишлари муҳокамалари ўтказиб борилган.

### **Маънавий-маърифий ишлар бўйича аниқланган муаммолар.**

1. ТДСИ мавжуд талабаалр турар жойлари мавжуд эҳтиёжни тўлиқ қопламаслиги.

2. Талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказища ташкил этилаётган тадбирлар ижара-шартномалар асосида турли ташкилотларда ўтказилаётганлиги.

3. Тиббиёт олий таълим муассасаларида жумладан ТДСИдан ҳам Бакалавиатура йўналишида ўқиши давомийлиги 5-6 йилни ташкил этиши натижасида, юқори курс талабалари (5-6 курс)га Тьюторлик лавоизими жорий қилинмаган.

### **IV. Моддий-техник таъминот, ўқув лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар.**

1. Олий таълим ташкилоти томонидан хорижий инвестициялар, грант ва беғараз кўмак маблағлари жалб этилиши ҳолати (*10-жадвал*).

*Институт томонидан:*

- жами 12 банддаги *Инвестициялардан* 8 тасига маблағ жалб қилиши режалаштирилган бўлиб, бу жами 14 номдаги лойиҳалар бўйича 7 435 000 доллар миқдорида;
- жами 9 банддаги *Грантлардан* 7 тасига 10 номдаги лойиҳалар бўйича 2 630 000 доллар миқдорида;
- жами 9 банддаги *Экспортлардан* 7 тасига 10 номдаги лойиҳалар бўйича 10 155 000 доллар миқдорида маблағлар жалб қилиши режалаштирилган.

**2.** Ўқув майдонлари ва ётоқ жойларининг белгиланган меъёр талабларига мослиги (ўқув биноларида навбатлилик коэффиценти, ётоқ жой билан таъминланиши даражаси) (11-жадвал).

Институтда умумий қуввати 530 ўринли 2 та ТТЖ мавжуд бўлиб, институтдаги эҳтиёж бўйича ўрганш ўтказилганда, 1500 нафарга яқин талабадан ТТЖ билан таъминлашга мурожаат бўлганлиги аниқланди.

Институдаги мавжуд ўқув бинолари етишмаслиги сабабли ректорат биносидаги бўш аудиториялар ҳам ўқув хоналарига айлантирилган.

**3.** Ўқув ва ётоқ ўринлари сонини кўпайтириш мақсадида 2022-2024 йилларда барпо этилган ҳамда 2025 йилда барпо этиладиган ўқув бинолари ва талабалар тураг жойлари (*бино сони, ўқув ва ётоқ ўрни ҳамда сарфланган маблағ*) (12-жадвал).

2022-2024 йилларда ўқув бинолари ёки ётоқхоналар қурилмаган.

Фақат 2023 йилда таъмирталаб коллеж ётоқхона биноси ҳомийлик маблағлари ҳисобидан таъмирланиб, талабалар учун 400 ўринли ТТЖ ташкил қилинган.

**4.** Олий таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари ҳамда ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати (13-жадвал).

Институтнинг бино ва иншоотлари ҳамда ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланмади.

**5.** Олий таълим муассасаларининг ижарага берилган бино ва иншоотлари (бино сони, майдони) (14-жадвал).

Институт томонидан жами 13 та ижара шартномалари тузилган бўлиб, шундан энг катта суммадагиси – “Фарм стом мед” МЧЖ (дорихона) билан йилига 91 млн сўмлик шартнома ҳисобланади.

**6.** “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2022-2024 йилларда экилган ҳамда 2025 йилда экилиши режалаштирилган дарахт кўчатлари (15-жадвал).

Институт томонидан 2022-2024 йилларда 3470 дона дараҳт ва кўчатлар экилган бўлиб, 2025 йилда 500 дона дараҳт экиш режалаштирилган.

**7. Энергетика самарадорлигига эришиш мақсадида 2022-2024 йилларда ўрнатилган ва 2025 йилда ўрнатиладиган қуёш панеллари қуввати (16-жадвал).**

Институт биноларининг том қисмига тўлиқ қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, ўрганиш натижаларига кўра қўшимча ўрнатиш учун жой мавжуд эмаслиги аниқланди. Том қисмидаги бўш майдон йўқ. Институт балансида ер майдонлари мавжуд эмас.

**V. Хорижий таълим ва тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича устувор вазифалар.**

**Олий таълим ташкилоти томонидан Халқаро Форумлар доирасида тасдиқланган “Йўл хариталари”га киритилган топшириқлар ижросининг таъминланганлик ҳолати.**

2024 – йил 27 – майда ўтказилган “Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича Амалий ҳаракат режаси»да Россия Федерациясининг Приволжск тадқиқот тиббиёт университети билан ҳамкорликда белгиланган топшириқлар ижроси таъминланди.

2024 – йил 18 – 19 октябрьда ўтказилган “Ўзбекистон – Россия тиббиёт форуми” доирасида Тинч океан тиббиёт университети ва Россия Халқлар дўстлиги университети билан ҳамкорликда белгиланган топшириқлар ижроси таъминланди (жадвал – 1).

**2. Олий таълим ташкилотида таҳсил олаётган хорижий талабалар сони.**

2024 – 2025 ўқув йилида институтда **17** – та хорижий талабалар таҳсил олмоқда. Улардан: Туркия – 5 нафар, Россия Федерация – 20 нафар, Украина – 1 нафар, Озорбайджон – 5 нафар, Қозогистон – 101 нафар, Қирғизистон – 9 нафар, Тоҷикистон 34 – нафар, Туркманистон 5 – нафар, Афғонистон 12 – нафар, Хиндистон 334 – нафар, АҚШ – 2 нафар, БАА – 1 нафар, Бангладеш – 1 нафар, Покистон 24 – нафар, Судан 1 – нафар, Тунис 2 – нафар (жадвал – 2).

**3. Олий таълим ташкилотининг алмашинув дастурлари доирасида хорижда таҳсил олаётган талабалари сони.**

2024 – 2025 ўқув йилида хорижий ҳамкор ташкилотларда **269** нафар институт талабаси таълим олмоқда (жадвал – 3).

Россия Федерациясининг Нижний Новгород шаҳрида Приволжск илмий тадқиқот университетида **148** нафар талаба таҳсил олмоқда.

Россия Федерациясининг Москва шаҳрида РУДН университетида **10** нафар талаба таҳсил олмоқда.

Россия Федерациясининг Оренбург шаҳрида Оренбург давлат тиббиёт университетида **8** нафар талаба таҳсил олмоқда.

Қозоғистон Республикаси Актобе шаҳридаги Марат Оспанов номидаги Ғарб Қозоғистон тиббиёт университетида **102** нафар талаба таҳсил олмоқда

Франция давлатининг Grenobl Alp университетида **1** нафар талаба магистратурада таҳсил олмоқда.

#### **4. Олий таълим ташкилоти фаолият юритаётган хорижлик мутахассислар сони.**

2024 – 2025 ўқув йилида институтда **9** нафар хорижлик профессор – ўқитувчилар шартнома асосида фаолият юритиб келмоқдалар (жадвал – 4).

Шу билан бир қаторда, **46** нафар хорижлик профессор – ўқитувчилар жамоатчилик асосида фаолият юритмоқдалар.

#### **5. Олий таълим ташкилоти томонидан қўлга киритилган грантлар миқдори.**

2024 – 2025 ўқув йилида институтда **2** грант асосида илмий – тадқиқот изланишлар олиб борилмоқда (жадвал – 5).

Ректор:

**Н.Қ.Ҳайдаров**